

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

САНОЕВ ЗАФАР ИСОМИДДИНОВИЧ

**ARUNDO VA NAPLOPHYLLUM АЛКАЛОИДЛАРИ ОРАСИДАН
ПСИХОТРОП ВОСИТАЛАРНИ ИЗЛАШ**

14.00.17- Фармакология ва клиник фармакология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Саноев Зафар Исомиддинович

Arundo ва *Haplophyllum* алкалоидлари орасидан психотроп
воситаларни излаш..... 3

Саноев Зафар Исомиддинович

Поиск психотропных средств среди алкалоидов *Arundo* и
Haplophyllum..... 23

Sanoev Zafar Isomiddinovich

Search for psychotropic drugs among *Arundo* and *Haplophyllum*
alkaloids..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 46

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

САНОЕВ ЗАФАР ИСОМИДДИНОВИЧ

**ARUNDO VA NAPLOPHYLLUM ALKALOIDLARI OXSIDAN
ПСИХОТРОП ВОСИТАЛАРНИ ИЗЛАШ**

14.00.17- Фармакология ва клиник фармакология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Tib314 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация акад. С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирзаев Юрий Рахманович
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Рахманов Алишер Худойбердиевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Эргашева Мукарамой Журабаевна
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг «___» _____ 2019 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 2-ўқув бино “Б” корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел.: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А.Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В.Якубов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида Бир марталик илмий кенгаш ҳузуридаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ер юзида 300 млн га яқин аҳолида депрессия кузатилмоқда. Ривожланган мамлакатларда технологиянинг кучайиб бориши, ҳаёт даражасининг ошиб бориши ва ўзаро рақобат натижасида стресс омилларининг кўпайиши, аҳоли ўртасида депрессиянинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, яқин ўн йилликда психотроп дори воситалари орасида антидепрессантлар сотув ҳажми бўйича биринчи ўринга чиқиши мумкин. Бундан ташқари, жинсий ҳаёт тарзининг бузилиши соғлиқни сақлаш тизимидаги асосий муаммолардан бўлиб, ёшлар ўртасида, бундан ташқари ёши катта эркекларнинг ер юзи аҳолисининг 20%дан кўпроғини ташкил этади. Жинсий фаолиятнинг бузилиши организмнинг қариш жараёнини тезлашишига ҳамда бошқа этиологик омилларга, жумладан, турли дегенератив касалликлар, жароҳатлар кўпайишига, ишлаб чиқариш ва турмуш тарзидаги стресс омилларнинг кўпайишига сабабчи бўлмоқда. Жинсий ҳаёт инсон фаолиятидаги энг муҳим ижтимоий-биологик жараёнлардан бири бўлиб, кайфиятнинг кўтарилишига ва ўзаро муносабатларнинг яхшиланишига олиб келади. Бу жараён нафақат инсон ҳаёт давомийлигига, балки ҳаёт сифатини яхшиланишига ҳам олиб келади. Бугунги кунда ушбу муаммони ечимини топиш соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда антидепрессант ва афродизиак фаолликка эга бўлган янги моддаларни аниқлаш устида қатор экспериментал илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ўсимликлардан ажратилган алкалоидлар, флаваноидлар ва бошқаларга тегишли бўлган баъзи моддалар юқоридаги фаолликларга эга бўлишлари мумкинлиги кўрсатилган. Депрессив касалликларни аниқлаш ва уни олдини олиш, юзага келиши мумкин бўлган суицид ҳолатларни камайишига сабабчи бўлади. Афродизиак моддалар эса гематоэнцефалик барьер орқали ўтиб, марказий нерв системасидаги жинсий марказларни қўзғатувчи таъсир кўрсатади ҳамда жинсий хохишни оширади. Шу сабабли, тиббиётда азалдан депрессив ҳолатлар ва жинсий фаолият бузилиш касалликларини даволаш учун ишлатилиб келган ўсимликлардан ажратилган турли хил табиий моддаларни қидириш ва ўрганиш катта қизиқиш уйғотади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб, маҳаллий фармацевтика саноатини такомиллаштириш бўйича маҳаллий хом-ашё асосида юқори сифатли, жумладан, психотроп таъсирга эга бўлган дори воситаларини яратишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясидаги беш устувор йўналишларидан тўртинчисида қуйидагилар асосий вазифа этиб белгиланган: "...фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш,

дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш...”. Шу муносабат билан, ўсимликлардан олинадиган янги психотроп воситаларни излаш ва яратиш бўйича изланишлар олиб бориш миллий фармакология соҳасидаги ишларнинг долзарб ва ўта зарур йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 июлдаги ПҚ – 416-сон «Маҳаллий дори-дармон ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида¹»ги фармонида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳаллий доривор ўсимлик хом-ашёлари асосида марказий нерв системасига таъсир кўрсатувчи психотроп воситаларни излаб топиш ва уларнинг кимёвий-биологик хусусиятларини ўрганиш бўйича республикамиз ва МДҲ олимларидан М.А. Магруппова, Б.Л. Данилевский, Н.П. Полиевцев, С.Х. Носиров, М.М. Азимов, И.Н. Зимон, Н.И. Евдокимов, С.Ф. Арипова, В.У. Хўжаев ва Ю.Р. Мирзаевларнинг илмий ишлари алоҳида ўрин тутмоқда. Улар томонидан ўрганилган шифобахш ўсимликлар таркибидаги алкалоид тузилишли бирикмалар катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу моддаларни ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқилган, уларнинг умумфармакологик, марказий ва периферик нерв тизимига таъсири ўрганилган ҳамда токсикологик тавсифи берилган.

Хорижий давлатлар олимлари E. Cardoso Lopes, J. Cheng, M. Goelz, B. Pastushewska, M.P. Pathak, P. Katz, G. Froldi, E. Hull, E. Snoeren турли хилдаги бирикмалар сақловчи ўсимликларни излаш бўйича олиб борилган тадқиқотларда уларнинг таъсир механизмлари молекуляр даражада ўрганилган бўлиб, захарли таъсирлар натижасида организмнинг токсикологик ва мутаген таъсирларни, нерв тизимига таъсир этиши асосида специфик фармакологик хусусиятларини ўрганиш бўйича кенг миқёсидаги тажрибалар олиб борилган, шунингдек, бирикмаларнинг организмга таъсири бўйича ҳалигача аниқ фикр берилмаган. Буларнинг ҳаммаси ушбу диссертациянинг долзарблигини ва илмий-амалий заруриятини белгилайди.

Ҳар иккала алкалоид - скиммианин ва донаксиннинг фармакологик изланишлари бир неча ўн йиллардан бери ўрганиб келинмоқда. Специфик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони

фармакологик фаоллиги бўйича олиб борилган илмий изланишлар эса биринчи марта ўтказилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА-А11-Т036 “*Arundo donax*, *Naplophyllum perforatum*, *Peganium Harmala* ўсимликлари ва фенилизохинолин катори яримсинтетик алкалоидлари асосида янги нейро ва психотроп воситаларини ишлаб чиқиш”(2015-2017) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тошбақатол ўсимлиги *Naplophyllum perforatum*-дан олинадиган асосий алкалоид – скиммианин ва *Arundo donax*дан - донаксин алкалоидини специфик фаоллигини тажриба ҳайвонларида умумий ҳамда психофармакологик ҳолатига таъсирини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўрганилаётган скрининг текширувлар асосида дозалар орасидан терапевтик самарадор антидепрессант ва афродизиак фаолликка эга бўлган дозаларни аниқлаш;

скиммианин ҳамда донаксин алкалоидларининг ўткир ва сурункали заҳарлилик хусусиятларини баҳолаш;

скиммианин ҳамда донаксиннинг тажриба ҳайвонларида умумий ва психофармакологик ҳолатига таъсирини баҳолаш;

ўрганилаётган алкалоидларнинг ўзига хос фармакологик хусусиятларини аниқлаб, ҳозирги кунда маълум бўлган дори воситаларидан устунлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган *Naplophyllum perforatum* (тошбақатол) ўсимлиги, *Arundo donax* (қамиш) ўсимлиги, тажриба ҳайвонларидан 160-220 г. оқ каламушлар, 18-22г. оқ сичқонлар, 2500-3000г. вазнлардаги қуёнлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети скиммианин ва донаксин алкалоидлари, солиштирма препаратлардан йохимбин ва амитриптилин, тиббий-биологик текширувлар учун скиммианин ва донаксин юборилган тажриба ҳайвонларининг ички органлар тўқималари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Фармако-токсикологик, гистоморфологик, психофармакологик ва статистик текширув усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор скиммианин алкалоидида антидепрессант фаоллиги мавжудлиги аниқланган;

тошбақатол (*Naplophyllum perforatum*, *Rutaceae* fam.) ўсимлигидан олинадиган скиммианин алкалоиди амитриптилин билан солиштирганда антидепрессант фаоллиги бўйича ундан устун туриши исботланган;

илк бор донаксин алкалоидининг афродизиак фаолликка эга эканлиги ва ҳозирги кунда қўлланилаётган йохимбин препаратидан юқори эканлиги исботланган;

донаксиннинг афродизиак фаоллиги 5НТ рецепторларнинг фалажланиши билан боғлиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

маҳаллий ўсимликлардан олинадиган скиммианин ва донаксин алкалоидларининг антидепрессант ва афродизиак фаоллиги бўйича самарадор дозаси тажриба ҳайвонларида аниқланган;

алкалоидларнинг кам захарлилиги тажрибаларда исботланган;

маҳаллий ўсимликлардан олинадиган скиммианин ва донаксин доривор моддаларининг самарадор хусусиятлари тажриба натижаларига кўра аниқланган;

маҳаллий ўсимликлардан олинадиган скиммианин ва донаксинни тажриба натижаларига кўра, юқорида кўрсатилган касалликларда қўлланилиши даволашда янги имкониятлар очилишига сабаб бўлади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий фармакологик, токсикологик, гистоморфологик, фармакодинамик, етарли даражадаги тажриба ҳайвонлари, асосланган статистик анализ усуллари ёрдамида исботланган. Олинган натижалар хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган препаратлар билан антидепрессант ва афродизиак фаоллиги билан солиштирилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, маҳаллий доривор ўсимликлардан ажратиб олинган скиммианин алкалоидининг антидепрессант ва донаксин алкалоидининг афродизиак фаоллиги бўйича амитриптилин ва йохимбин препаратлари билан солиштириб ўрганилди. Тажрибаларда яққол антидепрессант ва афродизиак фаолликлари мавжудлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, маҳаллий хом ашё асосида юқоридаги алкалоидлардан антидепрессант ва афродизиак хусусиятга эга бўлган дори воситаларини ишлаб чиқариш ва тиббиёт амалиётида қўллаш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Arundo* ва *Naplophyllum* алкалоидлари орасидан психотроп воситаларни излаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Афродизий фаолликка эга бўлган восита»га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№ IAP 05297, 26.10.2016 й). Натижада янги афродизий фаолликка эга бўлган дори воситасини яратиш имконини берган;

тошбақатол (*Naplophyllum perforatum*)дан олинадиган асосий алкалоид скиммианиннинг ўткир ва сурункали захарлилиги, фармакотоксикологик текширув хулосаларидан ФА-А11-Т009 рақамли «Янги, психик фаоллаштирувчи скиммианин дори воситасини яратиш, клиник синовларга топшириш учун меъёрий-техник хужжатларни тайёрлаш» лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 19 февралдаги №4/1255-443-сон маълумотномаси). Натижада скиммианин алкалоидининг клиник синовларга топшириш учун меъёрий-техник хужжатларни тайёрлаш имконини берган;

Донаксин гидрохлорид дори воситаси субстанцияси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармацевтика тармоғини

ривожлантириш агентлиги “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази” томонидан рўйхатга олинган (№DV/M/02540/05/19). Натижада янги афродизий фаолликка эга бўлган дори воситасини яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари асосида 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамалардан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, жумладан, 1 та маҳаллий ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган. 1 та ихтиро патенти олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида скиммианин ва донаксиннинг турли хил ўсимликлардан олинган усуллари, фармакологик, токсикологик хусусиятлари, биологик фаоллиги бўйича адабиётлар шарҳи берилган. *Naplophyllum perforatum* ва *Arundo donax*дан олинадиган алкалоидларнинг кимёвий тузилиши, биологик фаоллиги, фармакологик, токсикологик хусусиятлари бўйича манбалар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотларда фойдаланилган тажриба ҳайвонлари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ўрганилаётган объектлар ва услубий ёндашувлар, қўйилган масалалар ечими ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу диссертация ишида ЎЗР ФА ЎМКИ алкалоидлар кимёси лабораторияси ходимлари томонидан ажратиб олинган бирикмалар ўрганилган. Булар *Naplophyllum perforatum*дан олинадиган скиммианин (Расулова Х.А.) ва *Arundo donax*дан олинадиган донаксин (Арипова С.Ф., Хужаев В.У., 1996) алкалоидлари.

*Naplophyllum perforatum*дан олинадиган скиммианин алкалоидини антидепрессант восита сифатида ва *Arundo donax*дан олинадиган донаксин алкалоидини афродизиак восита сифатида баҳолаш бўйича тажрибалар эркак-сичқонлар (18-22г) ва эркак-каламушларда (150-220г) олиб борилди. Ўрганилаётган бирикмалар ҳайвонларга оғиз орқали: 0,1 дан 100 мг/кг гача юборилди. Тажрибалар 0,1%ли эритма тана вазнига нисбатан мослаштирилган дозада сичқонларга ва 1,0% ли эритма тана вазнига нисбатан мослаштирилган дозада каламушларга юборилган таниқли антидепрессант восита – амитриптилин ва афродизиак восита – йохимбин билан солиштирган ҳолда олиб борилди. Тажрибалар қуйидаги усулларда: ҳаракатланиш активлиги (Лапин И.П., Слепокуров М.В.,1991), фенаминдан юзага келадиган ҳаракатланиш фаоллигига (R.Rothman at al., 2001), галоперидол ҳисобига чақириладиган каталепсия ҳолатига, коразол ҳисобига чақириладиган ҳис-ҳаяжонга қарши таъсирини (Kilfoil T at al.,1989), “очиқ майдон” усулида (Hall C. 1936), резерпин ёрдамида чақирилган депрессияга, ҳайвонларни мажбурий сузиш давомийлигига (Porsolt R. at al.1977), афродизиак фаоллиги (Clark J. at al.,1984) ва сурункали юборилганда тана вазнига, ҳаракатланиш активлигига, ҳис-ҳаяжонга ва “очиқ майдон” усули ёрдамида текширувлар олиб борилди. Қуйида антидепрессант ва афродизиак фаолликлари бўйича энг асосий усуллар ҳақида тўлиқроқ маълумотлар келтирилган.

Porsolt R. усули бўйича мажбурий сузиш давомийлигига моддаларнинг таъсири. Ушбу усул антидепрессант фаолликка эга бўлган моддаларни аниқлашнинг энг асосий текширув усули ҳисобланади. Оқ сичқонларда ўтказилган тажрибаларда ўрганилаётган моддаларнинг Porsolt усулида мажбурий актив ва пассив сузиш, ҳамда иммобилизация ҳолатининг яширин даврига ("ночорлик ҳолати") таъсири ўрганилди. Ҳар бир тажрибада 6 та ҳайвон ишлатилган. Ҳайвонлар махсус сичқонлар учун диаметри 10 см, баландлиги 25 см, каламушлар учун мос равишда 18 ва 40 см цилиндрга жойлаштирилади. Цилиндр 1/3 га сув (27°C) қуйилади. Сувдан чиқишга бўлган муваффақиятсиз уринишлардан сўнг, ҳаракатсиз ҳолатга ўтиб олади. Бу руҳий тушкунлик, “умидсизлик” ҳолати сифатида қабул қилинади. Тажриба ҳайвонларнинг сувдан чиқишга бўлган барча фаол уринишлари дастлабки 6 дақиқадан сўнг сувга ботгандан кейин қайд этилади. Антидепрессантлар таъсири остида, уларнинг таъсир механизмидан қатъий назар, ҳайвонларнинг фаоллиги ошади ва ҳаракатсизлик (иммобилизация) вақти камаяди.


Афродизиак фаолликни экспериментал моделлаштиришда урғочи каламушларда овариоэктомия модели қўлланилди. Тажриба ҳайвонларида анестезия ҳайвонларининг тана оғирлигига 50 мг/кг бўйича ҳисоблаб, этаминал-натрий қорин бўшлиғига юбориш орқали амалга оширилди. Наркознинг чуқур босқичи бошлангандан сўнг каламушларни жарроҳлик столига қорни билан жойлаштирилди. Қўл ва оёқлари фиксацияланди. Каламушлар экспериментал гуруҳининг ўнг ва чап томонидаги бел қисмида тери, тери ости клечаткаси, мушаклар, қорин пардаси очилди. Жароҳатга

пинцет киритилиб, стерил салфеткага жароҳатдан тухумдонлар бўлган қорин ёғ пардаси чиқарилди. Улар фиксация қилинди, ипак билан боғланди ва кейинчалик у кесиб олинди. Қорин ёғ пардаси қорин ичига жойлаштирилди ва жароҳат қаватма-қават тикилди. Тажриба гуруҳ каламушларида ҳам, назорат гуруҳ каламушларида ҳам тажриба ўтказиш давомида нобуд бўлиш ҳолатлари қайд этилмади.

1 ойдан сўнг тухумдони олиб ташланган каламушлар тажриба учун фойдаланилди. Тажриба бошладан 72; 48 ва 24 соат олдин урғочи каламушларда синестролдан 2 мг/кгдан оғиз орқали, 3-4 соат олдин прогестероннинг мойли эритмасидан 0,1 мг/кгдан тери остига юборилади. Кўрсатилган муолажалар урғочи каламушларнинг жинсий алоқа вақтида қаршилиқ кўрсатмаслиги учун мослаштирилади. Тажрибада қатнашадиган эркак каламушлар ўлчами 50x40x40 см бўлган картон каробкада тажриба бошлангунча ўргатилади. Одатда 2-3 кунлик контактлардан сўнг, жинсий фаолликни қуйидаги кўринишларда намоён эта бошлайди: урғочи каламушлар жинсий аъзоларини ҳидлаш, устига ташлаш (интромиссий) ва бу кўпинча эякуляция билан тугалланади. Шундан сўнг одатда эркак каламушлар урғочи каламушларга бир неча дақиқа давомида ёки тажриба охиригача яқинлашмайди. Жинсий фаоллиги бир дақиқа давомида устига ташлаш (интромиссий) сони (1 дан 4 гача), биринчи эякуляциянинг латент даври (2-15 дақ.) ва эякуляциялар сони (1-3) - тажриба ўтказиладиган 15 дақиқа давомида баҳоланади. Тажрибалар одатда баҳор ва куз фаслларида ўта иссиқ ва ўта совуқ бўлмаган ҳаво ҳароратида шом ва кечки пайтда соат 17-20 гача ораликда олиб борилади. Тажрибалар ўрганилаётган модда юборилгандан кейин, жинсий фаолликни баҳолашнинг юқоридаги 3 та кўрсаткичи бўйича назорат гуруҳида 2 та бир хил кўрсаткич олингандан сўнг ўтказилади.


Тадқиқотнинг бажарилишида олинган сонли маълумотлар Стьюдент t-критериясидан фойдаланилган ҳолда вариацион статистика усули ёрдамида STATISTICA version 6. StatSoft, Inc. (2001) дастурида ҳамда фармакологик самарадорликни баҳолашнинг статистик жадвал асосида сонли тезлаштирилган усул ёрдамида таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «**Тажриба қисми**» деб номланган учинчи бобида ўрганилаётган асосий объектлар скиммианин ва донаксиннинг фармакологик хусусиятлари ёритилган. Дастлаб скиммианиннинг асосий психофармакологик тажриба усуллари ҳақида сўз юритилади. Скиммианиннинг ўткир ва сурункали даврда ҳаракатланиш активлигини аниқлаш. Оқ сичқонларда ҳаракатланиш активлигини Лапин усули бўйича скиммианиннинг 0,1 дан 100 мг / кг гача бўлган дозаларда оғиз орқали юбориб, бир неча соат давомида кузатиб борилди. Назорат гуруҳига нисбатан скиммианиннинг 0,1 мг/кг дозада ҳаракатланиш активлигини тегишли равишда 34%; 115% ва 121%га, 1,0 мг/кг дозада 126%; 125% ва 150%га ва 10,0 мг/кгда эса 41%; 59% ҳамда 125%га ($P \leq 0,05$) ошиши намоён бўлди. 100,0 мг/кг дозада эса назорат гуруҳига нисбатан ҳаракатланиш активлигини камайганлигини кўриш мумкин (1-расмга қаранг).



1-расм. Скиммианиннинг оқ сичқонларда ҳаракатланиш активлигига таъсири

Юқорида кўрсатилганидек, скиммианин кичик дозаларда ҳаракатланиш активлигини ошишига сабабчи бўлади. Шунини ҳисобга олган ҳолда, кичик 0,1; 1,0 ва 5,0 мг/кг дозаларда сурункали яъни 3 ой давомида оғиз орқали юбориб, ҳаракатланиш активлигига таъсири ўрганилди. Ўтказилган тажриба давомида, скиммианиннинг барча дозаларида назорат гуруҳига нисбатан ҳаракатланиш активлигини юқорилиги кузатилди. Бундан ташқари, узок муддат давомида юборилганда тахифилаксия кузатилмаслиги ва бу дозаларда тажриба ҳайвонларининг тана массасига, ташқи кўринишига, жун ҳолатига ва тери қопламига нисбатан ноҳўя таъсирлар кузатилмади. Скиммианиннинг айниқса 0,1 ва 1,0 мг/кг дозаларида сезиларли даражада ҳаракатланиш активлигини оширилганини кўриш мумкин. Барча кўрсаткичлар 2-расмда тасвирланганидек статистик ишончли даражада ($P \leq 0,05$) фарқ қилиши кўрсатилган.



2-расм. Скиммианиннинг сурункали қабул қилинганидан кейин оқ сичқонларнинг ҳаракатланиш активлигига таъсири.

Фенаминнинг локомотор активлигига скиммианин ва амитриптилиннинг таъсири. Маълумки, фенаминнинг психофармакологик таъсири марказий дофаминэргик ва α -адренэргик рецепторларни рағбатлантириши билан боғлиқ. Шунинг учун, скимминин ва амитриптилиннинг марказий, периферик дофамино ва α -адренэргик рецепторларига таъсирини ўрганиш қизиқиш уйғотди.

Сичқонларда ўтказилган тажрибаларда скимминин 0,3 ва 1,0 мг/кг дозаларда оғиз орқали юборилди ва 1 соатдан кейин 5,0 мг/кг фенамин т/о юборилди. Фенамин қабул қилинганидан кейин 2 ва 3 соат ўтгач, тажрибалар шуни кўрсатдики, назорат ва тажриба сичқонларда, локомотор фаоллик ошиши кузатилди. Скиммианин фенамин фонида 0,3 мг/кг юборилганда мос равишда 50; 212; 64 ва 44% га ($p \leq 0,05$), 1,0 мг/кг дозадан эса 36; 174; 57; 56 ва 20% ($p \leq 0,05$), га оширилганлиги аниқланди ва юборилган назорат гуруҳига нисбатан яққол тенденция кузатилганлигини кўриш мумкин. Олинган натижалардан асосланиб, амитриптилинни фенаминнинг локомотор фаолиятига таъсирини ўрганиб чиқдик. Сичқонларда ўтказилган тажрибаларда амитриптилин 1,0 мг/кг ва 10,0 мг/кг дозада оғиз орқали юборилди ва 1 соатдан кейин 5,0 мг/кг т/о фенамин юборилди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, фенаминни қабул қилганидан кейин 1, 2 ва 3 соатдан сўнг, оқ сичқонларнинг локомотор фаоллиги мос равишда 52; 111 ва 123% га оширди. Амитриптилин фонида 1,0 мг/кг дозада локомотор фаоллиги кўрсаткичлари 21; 86 ва 21% га, 10,0 мг/кг дозасида эса 24; 36 ва 31% га кўтарилди. Шундай қилиб, фенамин фонида амитриптилиннинг локомотор фаоллиги пасайиши кузатилди, бу амитриптилиннинг фенамин фаоллаштирувчи таъсирига антагонизми сифатида баҳоланиши мумкин, скиммианинда эса аксинча.

Юқоридаги ҳаракатланиш активлиги ва фенаминнинг локомотор фаоллигига асосланиб, скиммианин психостимуляторлик, амитриптилин эса седатив хоссага эга деган хулосага келиш мумкин.

Скиммианиннинг резерпин таъсирида юзага келадиган ҳолатига таъсири. Маълумки, резерпин ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатларида унинг симпатолитик таъсири туфайли турли хил ўзгаришларни келтириб чиқаради. Шунинг учун, оқ каламушларда скиммианиннинг резерпин таъсирида пайдо бўладиган блефароптоз ҳолатига, ҳаракатланиш ва қидирув фаоллигига таъсири ўрганилди. Нейролептик резерпин 2,5 мг/кг дозада т/о юборилди. Нейролептикнинг қовоқ ёриғига таъсири умумқабул қилинган усул билан ва Hall усули билан резерпин фонидаги оқ каламушларда ҳаракат ва қидирув фаолияти таъсири ўрганилди. Натижа резерпин юборилгандан 14 соат ўтгач қайд этилди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, назорат гуруҳи ҳайвонларида қовоқ ёриғининг кенлиги $2,0 \pm 0,2$ мм, 1,0 мг/кг скиммианин фонида $3,2 \pm 0,3$ ва 5,0 мг/кг скиммианин фонида эса $4,3 \pm 0,4$ мм.ни ташкил этди. Натижалар орасидаги фарқ статистик ($P \leq 0,05$) аҳамиятга эга.

Ҳаракат ва қидирув фаоллигига резерпиннинг таъсири ҳақида гап кетганда, резерпинни қабул қилганидан 15 соатдан кейин ва скиммианин 1,0 ва 5,0 мг/кг дозада 16 соатдан кейин текширилганда назорат ва 1,0 мг/кг

дозадаги скиммианинда деярли бир хил кўрсаткич қайд этилди. 5,0 мг/кг дозада эса ҳаракат ва қидирув фаоллиги 3-4 баробарга ошганлиги кузатилди.

Шундай қилиб, скиммианин 1,0 ва 5,0 мг/кг дозада резерпин таъсирида юзага келадиган блефароптозга нисбатан антагонизм кўринишида ва ингибирлаган ҳаракат ва қидирув фаоллигини ортишига олиб келди, бу эса моддада антидепрессант таъсирини борлигини тасдиқлади.

Скиммианин ва амитриптилиннинг “очик майдон” усулида ҳаракатланиш активлигига ва қидирув фаолиятига таъсири. Скиммианин бир марталик 0,1; 1,0; 10,0 ва 100,0 мг/кг дозада синовдан ўтказилди. Ҳаракатланиш активлиги - квадрат чизиклар кесишган жойлар сони бўйича, қидирув фаолияти эса пештоқларнинг тешиклари сонига қараб ҳисоблаб чиқилган. 1-жадвалда кўрсатилганидек, скиммианин барча дозаларда ҳаракатланиш активлигини ва қидирув фаоллиги 1,5 дан 3,0 мартагача оширган, энг фаол доза 1,0 мг/кг. Натижалар шуни кўрсатдики, қидирув фаолияти ҳаракатланиш активлиги кўрсаткичларига тўғри келди.

Скиммианин ва амитриптилиннинг қидирув фаолиятига таъсирини қиёсий ўрганиш мақсадида 1-жадвалда кўрсатилганидек, скиммианиннинг қидирув фаоллиги сезиларли даражада ошганлигини (максимал 249% $p \leq 0,05$) ва амитриптилин таъсири эса (максимал 25% $p \leq 0,05$) аниқланди. Моддалар таъсирида бундай фарқ келиб чиқишига сабаб сифатида скиммианин яхшироқ сўрилади ва тез фармакологик таъсирни таъминлайди, амитриптилин бир неча мартаба юборилгандан кейин фармакологик самара юзага чиқади. Аниқланган фарқ скиммианин ва амитриптилиннинг адренэргик рецепторларга тенг бўлмаган таъсири туфайли юзага келиши мумкин: агар биринчиси адренэргик рецепторларни фаоллаштиради, амитриптилин уларга фалажловчи таъсир қилади.

1-жадвал.

Скиммианин ва амитриптилиннинг Hall усули ёрдамида оқ сичқонларда бир мартаба қабул қилингандаги ҳаракат ва қидирув фаолиятига таъсири $n=10$

Препарат	Ҳаракатланиш активлиги	Қидирув фаолияти
1-назорат (физ.э-а)	15±1,44	16,8±1,68
Скиммианин 0,1 мг/кг р.о.	24,2±1,44* ^a	24±1,92* ^a
1,0 мг/кг р.о.	40,8±8,64* ^a	41,8±6,72* ^a
10,0 мг/кг р.о.	27,4±2,16* ^a	25,4±1,2* ^a
100,0 мг/кг р.о.	25,6±4,8* ^a	24,4±3,84* ^a
2-назорат (физ.э-а)	11±1,44	12±0,96
Амитриптилин 0,1 мг/кг р.о.	15,2±1,2**	15±2,64**
1,0 мг/кг р.о.	14,6±2,64	13,8±1,44
10,0 мг/кг р.о.	9±2,88	10,2±3,6

Изох: *1-назорат гуруҳи билан таққослаганда $P \leq 0,05$, ** 2-назорат гуруҳи билан таққослаганда $P \leq 0,05$,
^a амитриптилин билан таққослаганда $P \leq 0,05$

Скиммианин узоқ муддат давомида берилганда "очик майдон" усулида ҳаракатланиш ва қидирув фаолиятига таъсири. Таҷрибалар

шуни кўрсатдики, скиммианин юборилишининг 29-кунда, дастлабки кунда юборилгани каби бир хил натижалар олинди, бу эса ўз-ўзидан кумуляциянинг йўқлиги ва моддага нисбатан ўрганиш ҳиссининг юзага чиқмаганлигидан далолат беради.

Скиммианин 3 ойдан ортиқ вақт давомида юборилганда тахифилаксия белгилари фақатгина 100 мг/кг дозада юзага чиқмоқда. Кичик дозаларда бу ҳолат кузатилмади.

Скиммианин ва амитриптилиннинг ҳис-ҳаяжонга қарши таъсирини Kilfoil усулида ўрганиш. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, сичқонлар 5 камерали лабиринтга жойлаштирилганида, одатда сичқонлар кўпроқ қоронғи камераларда ва камроқ ёруғ камераларда бўлишни афзал кўришади. Анксиоген коразол 20,0 мг/кг т/о юбориш туфайли юзага келадиган ҳис-ҳаяжон кўпайиши билан сичқонлар қоронғи камераларни кўпроқ афзал кўришади ва бир камерадан иккинчисига камроқ ўтади.


Олинган натижаларга асосланиб, скиммианиннинг барча дозалари К индексини 3 маротабадан 5 мартагача оширади, аммо 0,1 мг / кг дозаси энг фаол бўлиб, 1,0 ва 5,0 мг/кг дозалари бир-биридан яққол фарқ кузатилмади.

Kilfoil усулидан фойдаланиб, скиммианиннинг ҳис-ҳаяжонга қарши таъсирини узоқ муддат давомида текширганимизда куйидагича хулосалар олинди. 0,1 ва 1,0 мг/кг дозаларда анксиолитик фаоллиги юқорилиги сақланган бўлса, 5,0 мг/кг дозада эса анксиолитик таъсирининг камайиши кузатилди. Амитриптилин ҳам 0,1; 1,0 ва 10,0 мг/кг дозаларда анксиолитик хуссиятлари ўрганиб чиқилганда, скиммианинга қараганда сезиларли даражада камроқ 0,1 мг/кг дозада - 1,4; 1,0 мг/кг дозада - 1,7; яъни скиммианинига нисбатан бир ярим барабар кам, 0,1 мг/кг дозадан 10 барабар кам.

Скиммианин ва амитриптилинни ареколиннинг резорбтив фаолиятига таъсири. Психотроп моддаларнинг марказий асаб тизимига таъсир қилиш механизмини ўрганаётганда уларнинг марказий ва периферик М-холинэргик рецепторларига таъсир қилиш хусусиятларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Амалиётда кенг ишлатиб келинадиган антидепрессант амитриптилин М-холиноблокаторлик таъсирга эга эканлиги маълум. Скиммианиннинг М-холинэргик рецепторларга таъсири ўрганилмаган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ареколиннинг марказий ва периферик таъсирларига моддаларни қиёсий ўрганиш ўтказилди. Тажрибалар 36 та оқ сичқонларда ўтказилди. Ареколин 10,0 мг/кг дозада сўлакайликни (периферик таъсир) ва титроқни (марказий таъсир) келтириб чиқаради. Тажрибада сўлакайлик ва титроқ давомийлигига эътибор қаратилди. Скиммианин сўлакайлик ва титроқнинг давомийлигини 2 баробар оширганлиги, амитриптилин эса ареколиннинг марказий ва периферик М-холинопозитив таъсирини камайтириши аниқланган.

Porsolt R. усули бўйича оқ сичқонларнинг мажбурий сузиш давомийлигига скиммианин ва амитриптилиннинг таъсири. Оқ сичқонларда ўтказилган тажрибаларда скиммианин ва амитриптилин тажриба бошланишидан 1 соат олдин 0,1; 1,0 ва 10 мг/кг дозада оғиз орқали

юборилади. Тажрибалар шуни кўрсатдики, кўрсатилган дозаларда скиммианиндан сузиш даври "ночорлик ҳолати" нинг намоён бўлишигача мос равишда 38 ± 12 , 120 ± 22 ва 246 ± 42 % ($p \leq 0,05$) га, амитриптилин эса мос равишда 28 ± 12 , 48 ± 34 % ва 118 ± 74 % ($p \leq 0,05$) га оширилиши кузатилди.



3-расм. Сичқонларнинг мажбурий сузиш давомида ночорлик ҳолати пайдо бўлишининг яширин даврига скиммианин ва амитриптилиннинг таъсири.


Расмдан кўриш мумкинки, скиммианин барча тажрибаларда таъсир кучлилиги бўйича амитриптилиндан юқори туради. Скиммианиннинг 1,0 мг/кг дозаси 10,0 мг/кг дозадаги амитриптилин билан бир хил кучдаги антидепрессант фаолликни намоён қилмоқда.

Донаксин алкалоидини фармакологик ўрганиш. Донаксин Ўзбекистонда кенг тарқалган қамиш ўсимлигининг ер устки қисмларидан ажралиб олинган асосий алкалоиддир. Донаксин ва серотониннинг структур жихатдан яқинлиги, шунингдек, тажрибаларда 5НТ рецепторларининг жинсий фаолиятини тартибга солишда иштирок этишини ҳисобга олган ҳолда, алкалоиднинг эркак каламушларнинг жинсий фаолиятига таъсирини ўрганишга қарор қилинди. Бунинг натижасида донаксинда афродизиак фаоллик мавжудлиги аниқланди, бу эса моддани янада батафсил ўрганилишига асос бўлди.

Донаксиннинг 2 ва 10 "терапевтик дозаларда" 10,0 ва 50,0 мг/кг дозаларида сурункали юборилганда оқ сичқонларнинг физик ва психоэмоционал ҳолатига таъсири ўрганилди. Ушбу даврда ҳаракатланиш активлигига, тана массасига ва ҳис-ҳаяжонга қарши таъсири ўрганилди. Таъкидланишича, тажрибаларнинг барча даврларида, ҳар иккала дозада ҳам донаксинни қабул қилиш фонида, назорат гуруҳи билан солиштирилганда 2 ёки ундан кўпроқ марта ҳаракатланиш активлиги ошган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, донаксин 10,0 ва 50,0 мг/кг дозаларда узоқ вақт давомида юборилиши назорат гуруҳи ҳайвонларга нисбатан фаоллигини сезиларли даражада яхшилаган, аммо 2 ойлик юборилгандан сўнг модданинг фаоллиги нисбатан камайган. 102 кунлик модда қабул қилингандан сўнг донаксиннинг сичқонларнинг тана вазнига таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, назорат ва тажриба сичқонлар тана вазнида тахминан тенг ўсишни кўрсатди. Донаксин

алкалоидининг тана вазнидаги ўзига хос ўзгаришлар куйидагича ифодаланган: 3,5 ой давомида назорат гуруҳи сичқонларнинг массаси $72 \pm 12\%$ га, донаксин $10,0$ мг/кг фонида 83 ± 13 га, $50,0$ мг/кг дозасидан $78 \pm 14\%$ га кўтарилди. Фарқ сезиларли, аммо статистик аҳамиятга эга эмас.

Донаксиннинг Hall усули бўйича қидирув ва ҳаракат фаоллигига таъсири. Донаксиннинг тадқиқот фаолиятига таъсири Hall усулига биноан оқ каламушларда оғиз орқали $3,0$ ва $10,0$ мг/кг дозада ўрганилди. Донаксин қабул қилинганидан кейин 2 соат ўтгач, ўтказилган тажрибаларда ҳаракатланиш активлиги, қидирув фаоллиги ошишига ва ажратадиган ахлатлар сони назорат гуруҳига нисбатанн камайишига олиб келди. Натижалар 4 –расмда кўрсатилганидек, қидирув ва ҳаракат активлиги $1,5 - 2,5$ мартага кўпайди ва қидирув фаолияти ҳаракат активлигига қараганда кўпроқ кучайди. Учинчи кўрсаткичга келсак, дефикация сонининг камайиши донаксиннинг ҳис-ҳаяжонга қарши таъсирини кўрсатади.



4-расм. Донаксиннинг 3,0 ва 10,0 мг/кг дозаларда “очиқ майдон” усулида оқ каламушларнинг хатти-ҳаракатларига таъсири.

Hall усулидан фойдаланган ҳолда оқ сичқонларда тажрибалар донаксинни сурункали қабул қилиш фонида, қабулнинг 72 -кунида, $10,0$ ва $50,0$ мг/кг дозада юбориш билан амалга оширилди. Тадқиқот шуни кўрсатдики, сичқонларнинг хатти-ҳаракати биринчи кун юборган давридаги каби деярли бир хил эди. Бу алкалоидни умумий хатти-ҳаракатлар учун 72 кун давомида ҳаракат активлиги ва қидирув фаоллигининг яхшиланиши кўринишидаги хатти-ҳаракатларида ижобий ўзгаришларнинг сақланиб қолганлигини, шунингдек алкалоиднинг тахифилакция ёки кумуляцияси кузатилмаслигини кўрсатди (2-жадвалга қаранг).

Донаксиннинг ҳис-ҳаяжонга қарши таъсири Kilfoil усули ёрдамида ўрганиш. "Тадқиқот усуллари" бобида кўрсатилгандек, Kilfoilнинг ҳис-ҳаяжонга қарши таъсири $K = T_{\text{ёр}}/T_{\text{қор}}$ индексининг қийматида ифодаланди. 3- жадвалда келтирилган тажриба натижаларидан кузатув давомида барча назорат гуруҳларида K индекси $0,48-0,87$ оралиғида ўзгариб турди; донаксин фонида эса $3-4$ барабар кўп. Донаксин фаоллиги $10,0$ мг/кг дозада ҳар доим $50,0$ мг/кг дозадан юқори бўлган.

2-жадвал

Донаксиннинг оқ сичқонларда 72-кун давомида Hall усулига асосан очик майдондаги хатти-ҳаракатларига таъсири ($M \pm m$) $n=10$

Тажриба шароити кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи	Донаксин 10,0 мг/кг	Донаксин 50,0 мг/кг
1-кун юборилиши			
Ҳаракатланиш активлиги	10,6±1,68	17,6±0,72*	23,2±2,16*
Қидирув фаоллиги	14,6±1,44	18±1,2*	20,6±1,68*
72-кун юборилиши			
Ҳаракатланиш активлиги	13,8±1,44	20,2±0,48*	21±2,16*
Қидирув фаоллиги	14,6±0,96	18,2±0,72*	23,2±1,92*

Изоҳ: * - назорат гуруҳи билан таққослаганда ($P \leq 0,05$).

3-жадвал

Донаксиннинг Kilfoil усулида ҳис-ҳаяжонга қарши таъсирини 17, 49, 97 кунлари оқ сичқонларга таъсири ($M \pm m$) $n=6$

Донаксин дозалари оғиз орқали юборилганда	Дастлабки ҳолат индекси $K = T_{\text{ёр/қор дори юборилмаган}}$	К Индекси 17-кун донаксин юборилиши	К Индекси 49-кун донаксин юборилиши	К Индекси 97-кун донаксин юборилиши
Назорат (дист. сув)	0,57±0,06	0,64±0,06	0,48±0,09	0,87±0,05
10,0 мг/кг	0,54±0,05	3,5±0,5*	2,7±0,31*	2,2±0,26*
50,0 мг/кг	0,62±0,07	2,06±0,53*	1,9±0,26*	1,36±0,22


Изоҳ: *- назорат гуруҳи билан солиштирилганда ($P \leq 0,05$).

Шундай қилиб, 3-жадвалда кўрсатилган маълумотлар асосида донаксиннинг ҳар иккала дозаси турли хил муддатларда яққол анксиолитик хусусиятга эгаллигини намоён қилмоқда. Илгари Hall усули бўйича оқ каламушларда ўтказилган тажрибада дефикация интенсифлигининг камайиши кўринишида ҳам кузатилган.

Донаксиннинг галоперидолдан юзага келадиган каталесияга таъсири. Психотроп моддаларнинг марказий нерв системасига таъсир қилиш механизмини ўрганаётганда моддаларнинг D-рецепторларга таъсирини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Табиий афродизиак хусусиятга эга дори воситалари психотроп моддалар ҳисобланиб, уларнинг дофаминэргик системага таъсирини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Биз донаксинни галоперидолдан юзага келадиган каталепсияга таъсирини ўрганиб чиқдик, бу

ерда Д-позитив моддалар каталепсияни қисқартирса, Д-блокаторлар эса уни узайтиради.

Донаксиннинг галоперидолдан (0,5 мг/кг т/о) юзага келадиган каталепсияни ўрганиш пайтида назорат гуруҳидаги барча ҳайвонларда дарҳол каталепсия ривожланиб борди. Каталепсия давомийлиги 120дан 180 сониягача бўлди. Максимал каталептоген таъсир дори қабул қилингандан кейин 2-3 соат оралиғида намоён бўлди. Донаксин қабул қилган гуруҳларда каталепсия 90 дақиқадан сўнг ривожлана бошланди ва у нисбатан кучсизроқ намоён бўлди. Тажрибалар шуни кўрсатдики, донаксин 2-3 соат давомида галоперидолнинг каталептоген таъсирини ривожланишига тўсқинлик қилди. Шундан сўнг, унинг антогонизми аста-секин пасайиб, 4-соатдан кейин йўқ бўлиб кетди. Бу хусусият нейрорептик дориларнинг Д-блокловчи таъсирининг узокроқ давом этиши донаксиннинг Д потенсив таъсирига караганда намоён бўлади (5-расм).



5-расм. Донаксин ва серотониннинг галоперидолдан юзага келадиган каталепсияга таъсири.

Донаксиннинг афродизиак фаоллигини ўрганиш. Илмий адабиётлар маълумотларга кўра, серотонин рецепторлари жинсий фаолиятнинг турли йўналишларини тартибга солишда иштирок этади ва донаксин 5HT рецепторларини блоклайди (P. Katz et al., 1995), аниқроғи, 5HT_{2A} кичик турига (G. Frolidi et., 2004), Clark (1978) усули бўйича донаксиннинг эркак каламушларнинг жинсий фаоллигига таъсирини ўрганишга қарор қилинди. Биз 1 минутда устига ташлаш (интромиссий) сонига модданинг таъсирини, 1-чи эякуляциянинг яширин даври ва стандарт 15 минутлик вақт оралиғидаги эякуляция сонини ўргандик. Донаксиннинг 3 дозаси 1,0; 2,0 ва 5,0 мг/кг т/о киритилиб синовдан ўтказилди. Тажрибалар ҳафтада бир марта ўтказилди. Тадқиқот шуни кўрсатдики, назорат гуруҳида 1 дақиқада устига ташлашларнинг ўртacha сони 1,4 ни ташкил этди. Гуруҳдаги биринчи

эякуляциянинг яширин даври ўртача 9,6 минутни, эякуляция сони эса 1,2 ни ташкил қилди.

1 ҳафтадан сўнг ўтказилган ушбу гуруҳдаги каламушларда тажрибадан 1 соат олдин донаксин 1,0 мг/кг т/о фонидаги каламушларда мос равишда 1,6; 8.6 ва 1.2 ташкил этди. Бундай ҳолда, жинсий фаолиятнинг дастлабки иккита кўрсаткичлари мос равишда 14 ва 4% га ва ўртача 6% га яхшиланди. 2,0 мг/кг дозаси фонида кўрсаткичлар 29; 11 ва 17% га ва ўртача 19% гача яхшиланди. Донаксиннинг 5,0 мг/кг дозаси фонида интромаиссийлар сони, биринчи эякуляциянинг яширин даври ва эякуляция кўрсаткичлари мос равишда 71; 40 ва 50% га ошди ва жинсий фаолликнинг ўртача фоиз даражаси 62% ташкил этди. Юқоридаги маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Донаксиннинг (1.0; 2.0 ва 5.0 мг/кг т/о) эркак каламушларнинг жинсий фаоллигига таъсири

Каламушларда жинсий фаолият кўриниши	Каламушларда жинсий фаоллик кўрсаткичлари (ўртача бтадан каламуш)	Донаксин 1,0 мг/кг (ўсиш %)	Донаксин 2,0 мг/кг (ўсиш %)	Донаксин 5,0 мг/кг (ўсиш %)
Устига ташлаш (интромаиссий) сони дақиқаларда	1,4(100%)	1,6 (114%)	1,8 (129 %)	2,4* (171%)
1- эякуляциянинг яширин (латент) даври	9,6(100%)	9,2(4%) (104%)	8,6 (11%) (111%)	5,8* (40%) (140%)
Эякуляциялар сони 15 дақиқада	1,2 (100)	1,2 (100%)	1,4 (117%)	1,8* (150%)
Кўрсаткичларни ўртача ўсиши %	100 (0)	106 (6%)	119 (19%)	162* (62%)

Изоҳ: * - назорат гуруҳи билан таққослаганда ($P \leq 0.05$).

Донаксиннинг оқ каламушлардаги ўтказилган тажриба натижалари, турли дозаларда жинсий фаолиятга таъсири тўғрисида олинган маълумотларга асосланиб, афродизий фаоллик ЭД₅₀ график асосида ҳисоблаб чиқилди ва у 4,5 мг/кг ни ташкил этди.

Йохимбинни афродизиак хусусиятларини ўрганиш. Йохимбиннинг афродизиак фаоллиги ҳам худди донаксин билан бир хил тарзда J. Clark усулида оқ каламушларда аниқланди. Йохимбиннинг учта дозаси ишлатилди: 1,0; 2,0 ва 3,0 мг/кг т/о юборилди. 1,0 мг/кг дозада т/о киритилганда, йохимбиннинг жинсий фаоллик кўрсаткичлари дақиқасига устига ташлашлар сони, биринчи эякуляциянинг яширин даври ва стандарт 15 дақиқа оралиғидаги эякуляция сони каби кўрсаткичларни мос равишда 10,6; 15,2 ва 18,6% ва ўртача 14,8%гача оширди. 2,0 мг/кг дозадан мос равишда 38; 46; 56% ва ўртача 45,8%га. 3,0 мг/кг дозадан т/о киритилганда эса мос равишда

55; 65; 69% га ва ўртача 63% га тенг натижалар олинди. Демак, ЭД₅₀ 2,2 мг/кг ни ташкил этди. Олинган натижаларга асосланиб, йохимбин учун К фармакологик таъсир кенглиги индекси 28,2, донаксинда эса 49га тенглиги аниқланди.

5-жадвал

Донаксин ва йохимбиннинг таққослама фармакологик таъсир кенглиги индекси

Препарат номи	ЛД ₅₀ тери остига юборилганда мг/кг	ЭД ₅₀ афродизий фаоллиги мг/кг	Фармакологик таъсир кенглиги индекси $K = \frac{ЛД_{50}}{ЭД_{50}}$
Йохимбин	62 (46÷74)	2,2	28,2
Донаксин	224(183÷272)	4,5	48,9

Шундай қилиб, афродизиак фармакологик таъсир кенглиги индекси бўйича йохимбин донаксиндан деярли 2 барабар сустроқ фаолликка эга.

Диссертациянинг "**муҳокама**" деб номланган тўртинчи бобида олиб борилган фармакологик ва психофармакологик усуллар асосида ўрганилаётган моддаларнинг таъсир этиш спектрлари ҳақида атрофлича мулоҳаза юритилган. Олинган натижалар кўплаб адабиёт манбаларини қўллаган ҳолда муҳокама қилинган. Ишончли далиллар билан алкалоид бирикмалар организмнинг депрессив ҳолатлари, жинсий фаолият бузилишини ошириш қолиятига эга эканлиги ва турли патологик ҳолатларда яққол фармакологик мувофиқлаштирувчи таъсирни намоён қилиши асослаб берилди.

ХУЛОСАЛАР

1. *Naplophyllum perforatum*нинг ер устки қисмидан ажратиб олинадиган асосий алкалоид скиммианин, антидепрессант хусусиятига эга.

2. Антидепрессант хусусиятларга эгаллиги жиҳатдан скиммианин ҳозирги кунда кенг қўлланиладиган дори воситаси амитриптилинидан устунлиги аниқланди.

3. Амитриптилиндан фарқли ўлароқ, скиммианин марказий М-холино ва α-адренорецепторларини блоклаб қўймайди ва натижада ақлий қобилиятнинг пасайиши, вегетатив ва ҳаракат бузилишлари каби ножўя таъсирлар юзага чиқмаслиги унинг антидепрессант сифатида кенг фойдаланиш имконини беради.

4. *Arundo donax* ўсимликининг асосий алкалоиди донаксин афродизиак фаоллиги 5HT_{2C} рецепторларга боғлиқлиги ва йохимбинга нисбатан устунлиги аниқланди.

5. Терапевтик дозаларда донаксин анксиолитик ва психостеник таъсирга эга.

6. Уч ой давомида оқ сичқон ва каламушларга 2 ва 10 терапевтик дозаларда берилганда тажриба ҳайвонлари барқарор психоэмоционал ҳолатни кўрсатдилар. Асосий ҳаётий органларнинг микро тузилишида патологик ўзгаришлар кузатилмади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

**АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ИНСТИТУТ
ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

САНОЕВ ЗАФАР ИСОМИДДИНОВИЧ

**ПОИСК ПСИХОТРОПНЫХ СРЕДСТВ СРЕДИ АЛКАЛОИДОВ
ARUNDO И NAPLORHYLLUM**

14.00.17 – Фармакология и клиническая фармакология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.3.PhD/Tib314.

Диссертация выполнена в Институте химии растительных веществ им. акад. С.Ю.Юнусова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tma.uz. и Информационно-образовательном портале "Ziyonet" по адресу: www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:

Мирзаев Юрий Рахманович

кандидат медицинских наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Рахманов Алишер Худайбердиевич

доктор медицинских наук, доцент

Эргашева Мукарамой Журабаевна

доктор биологических наук

Ведущая организация:

**Ташкентский педиатрический
медицинский институт**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 г. в ___ часов на заседании Разового Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби-2. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за №___). (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби-2. Ташкентская медицинская академия, 2 учебный корпус, «Б» крыло, 7-кабинет. Тел.: (+99871)150-78-25.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2019 года).

А.Г.Гадаев

Председатель разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А.Набиева

Ученый секретарь разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

А.В.Якубов

Председатель разового Научного семинара при разовом научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), в настоящее время в мире около 300 млн человек страдают от депрессии. Развитие технологии, ускорением темпа жизни, возрастающая конкурентная борьба являются причиной возрастания стрессорных факторов приводящих к развитию депрессорных состояний у населения, включающих и высокоразвитые страны. Считается, что в ближайшее десятилетие среди психотропных препаратов антидепрессанты по объёму продаж выйдут на первое место. Кроме того, нарушение сексуального образа жизни является одной из главных проблем в системе здравоохранения, среди молодежи, кроме того, пожилые мужчины составляют более 20% населения земли. Нарушение половой активности провоцирует ускорение процесса старения организма, а также другие этиологические факторы, в том числе различные дегенеративные заболевания, увеличение травматизма, увеличение производственных и стрессовых факторов образа жизни. Половая жизнь - один из важнейших социально-биологических процессов в деятельности человека, приводящий к повышению настроения и улучшению взаимоотношений. Этот процесс ведет не только к увеличению продолжительности жизни человека, но и к улучшению качества его жизни. На сегодняшний день пути решения являются актуальной проблемой среди специалистов данной сферы.

В настоящее время в мире проводится ряд экспериментальных научных исследований по выявлению новых веществ, обладающих антидепрессивной и афродизиаковой активностью. Показано, что выделяемые из растений некоторые вещества, относящиеся к алкалоидам, флаваноидам и др. могут обладать вышеуказанные виды действием. Выявление и профилактика депрессивных расстройств приведет к уменьшению количества суицидальных ситуаций, которые могут возникнуть. Вещества афродизиака проходят через гематоэнцефалический барьер, оказывают стимулирующее действие на половые центры центральной нервной системы, а также усиливают половое возбуждение. Поэтому в медицине большой интерес представляет поиск и изучение различных природных веществ, выделенных из растений, которые с незапамятных времен использовались для лечения депрессивных состояний и нарушений половой активности.

С приобретением независимости Республики Узбекистан в последние годы проводятся широкомасштабные работы по совершенствованию собственной фармацевтической промышленности, направленные на создание качественных лекарственных средств, в том числе и обладающих психотропным действием, на основе местных сырьевых ресурсов. В 4-ом направлении стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах основными задачами определены «...дальнейшее развитие фармацевтической промышленности и улучшение обеспеченности населения и медицинских учреждений

доступными, качественными лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения, реализация мер по недопущению необоснованного роста цен на них, обеспечение снижения показателей заболеваемости населения и повышения продолжительности жизни...». В связи с этим проведение изысканий по поиску и созданию новых психотропных средств растительного происхождения является актуальным и крайне востребованным направлением работ отечественной фармакологии.

